



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

2014 йил “22” Октябрь

№ 410

Тошкент ш.

Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 сентябрдаги ПҚ-2228-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 07/1-3953-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида”ги Низомда белгиланган ваколат доирасида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирликнинг 2014 йил 3 мартағи 80-сон буйруғи билан тасдиқланган Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Манноновга:

Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин;

Давлат рўйхатидан ўтказилган Уставнинг нусхаси Вазирликка тақдим этилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир в.б.

М.Иноятов



MUSXA  
ASLIGA TO'G'RI



Реноу —

Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг  
2014 йил ~~20~~ ~~20~~ даги ~~910~~-сон буйруғига  
илова

**Вазирликнинг 2014 йил 3 мартағи 80-сон буйруғи билан тасдиқланган  
Тошкент давлат шарқшунослик институти Уставига киритилаёдиган  
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти Устави 35 бандда:

- а) тўртинчи хатбошидаги “2.Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари;”  
деган сўзлар “2.Хитойшунослик;” деган сўзларга алмаштирилсин;
- б) ўн учинчи хатбошидаги “6.Фалсафа;” деган сўзлар “6.Шарқ  
фалсафаси ва маданияти;” деган сўзларга алмаштирилсин;
- в) ўн олтинчи хатбошидаги “9.Хитой филологияси;” деган сўзлар  
“9.Хитой тили ва адабиёти;” деган сўзларга алмаштирилсин;
- г) йигирма биринчи хатбошидаги “14.Жаҳон сиёсати;” деган сўзлар  
“14.Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар;” деган сўзларга  
алмаштирилсин;
- д) йигирма олтинчи хатбошидаги “19.Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси  
иктисоди ва мамлакатшунослиги;” ва йигирма саккизинчи хатбошидаги  
“21.МДҲ минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;” деган сўзлар  
“19. МДҲ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги;”  
деган сўзларга алмаштирилсин;
- е) йигирма еттинчи хатбошидаги “20.Узоқ Шарқ минтақаси иқтисоди  
ва мамлакатшунослиги;” деган сўзлар ва йигирма тўққизинчи хатбошидаги  
“22.Хитой ва Жанубий Осиё минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;”  
деган сўзлар “20.Осиё-Тинч океан минтақаси ва Жанубий Осиё мамлакатлари  
иктисодиёти ва мамлакатшунослиги;” деган сўзларга алмаштирилсин;
- ё) йигирма саккизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:  
“21.Хитой иқтисодиёти;”
- з) йигирма тўққизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:  
“22.Хитой сиёсати, тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўрни;”.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институти Устави 38 банди ўн  
биринчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ТДШИ қошида Конфуций номидаги Ўзбек-хитой институти ва Тил  
ўқитиши минтақа маркази (хўжалик ҳисобидан), шунингдек ТДШИ ҳузурида  
Абу Райҳон Беруний номидаги шарқ қўлёзмалари маркази ўз Устави ва  
бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият юритади.”

Тошкент шаҳар Миробод туман  
ҳокимияти Тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатдан  
ўтказиш инспекциясида рўйхатга  
олинди

2014 йил



MIROBOD TUMAN HOKIMIYATI  
TADBIRKORLIK SUB'EKLARINI  
RO'YXATDAN O'TKAZISH  
INSPEKTSIYASI  
RO'YXATGA OLINDI  
2014 « 18 » 12 № 001485-03.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлигининг 2014 йил  
22 октябрдаги 410-сон буйруғи  
билин тасдиқланган



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ  
(TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI)**

**У С Т А В И ГА**

**киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар**

Тошкент-2014

**Тошкент давлат шарқшунослик институти (Toshkent davlat sharqshunoslik instituti) уставига киритилган қўшимча  
ва ўзгартиришлар**

Амалдаги таҳрир	Киритилаётган ўзгартиришлар
<p>1. Тошкент давлат шарқшунослик институти V-бўлими 35-бандининг “а” ва “б” қисмлари қуидаги янги таҳрирда баён этилсин:</p> <p>“35. ТошДШИнинг таркибига қуидагилар киради:</p> <p><i>a) факультетлар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шарқ филологияси ва фалсафа;</li> <li>2. Узок Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари;</li> <li>3. Жаҳон сиёсати ва тарих;</li> <li>4. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик.</li> </ol> <p><i>б) кафедралар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Араб филологияси;</li> <li>2. Эрон-афғон филологияси;</li> <li>3. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти;</li> <li>4. Туркий тиллар;</li> <li>5. Мумтоз филологияси;</li> <li>6. Фалсафа;</li> <li>7. Таржима назарияси ва амалиёти;</li> <li>8. Жанубий Осиё тиллари;</li> <li>9. Хитой филологияси;</li> <li>10. Япон филологияси;</li> <li>11. Корейс филологияси;</li> <li>12. Инглиз тили;</li> <li>13. Педагогика ва жисмоний тарбия;</li> <li>14. Жаҳон сиёсати;</li> <li>15. Хорижий мамлакатлар тарихи;</li> <li>16. Марказий Осиё халқлари тарихи;</li> <li>17. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва</li> </ol>	<p>“35. ТошДШИнинг таркибига қуидагилар киради:</p> <p><i>a) факультетлар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шарқ филологияси;</li> <li>2. Хитойшунослик;</li> <li>3. Жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа;</li> <li>4. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик.</li> </ol> <p><i>б) кафедралар:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Араб филологияси;</li> <li>2. Эрон-афғон филологияси;</li> <li>3. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти;</li> <li>4. Туркий тиллар;</li> <li>5. Мумтоз филологияси;</li> <li>6. Шарқ фалсафаси ва маданияти;</li> <li>7. Таржима назарияси ва амалиёти;</li> <li>8. Жанубий Осиё тиллари;</li> <li>9. Хитой тили ва адабиёти;</li> <li>10. Япон филологияси;</li> <li>11. Корейс филологияси;</li> <li>12. Инглиз тили;</li> <li>13. Педагогика ва жисмоний тарбия;</li> <li>14. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар;</li> <li>15. Хорижий мамлакатлар тарихи;</li> <li>16. Марказий Осиё халқлари тарихи;</li> <li>17. Ўзбекистонда демократик</li> </ol>

<p>амалиёти;</p> <p>18. Фарбий Европа тиллари;</p> <p>19. Яқин ва Ўрта Шарқ мінтақаси іктисоди ва мамлакатшунослиги;</p> <p>20. Узок Шарқ мінтақаси іктисоди ва мамлакатшунослиги;</p> <p>21. МДХ мінтақаси ва мамлакатшунослиги;</p> <p>22. Хитой ва Жанубий Шарқий Осиё мінтақаси іктисоди ва мамлакатшунослиги;</p> <p>23. Математика ва информатика”.</p>	<p>жамият қуриш назарияси ва амалиёти;</p> <p>18. Фарбий Европа тиллари;</p> <p>19. МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари іктисодиёти ва мамлакатшунослиги;</p> <p>20. Осиё-Тинч океан мінтақаси ва Жанубий Осиё мамлакатлари іктисодиёти ва мамлакатшунослиги;</p> <p>21. Хитой іктисодиёти;</p> <p>22. Хитой сиёсати, тарихи ва халқаро муносабатлардаги ўрни;</p> <p>23. Математика ва информатика”.</p>
---	---

## 2. Уставнинг 38-банди 11-хат боши қуйидагича янги таҳрирда:

“ТДШИ кошида Конфуций номли ўзбек-хитой институти ва Тил ўқитиши мінтақа Маркази хўжалик хисобидан, ўз Устави ва бошқа меъёрий-хуқуқий хўжатлар асосида фаолият юритади”.


“ТДШИ кошидаги Конфуций номидаги ўзбек-хитой институти ва Тил ўқитиши мінтақа Маркази (хўжалик хисобидан), шунингдек ТДШИ кошидаги Абу Райхон Беруний номидаги шарқ кўлёзмалари Маркази ўз Устави ва бошқа меъёрий-хуқуқий хўжатлар асосида фаолият юритади”.

Тошкент давлат шарқшунослик  
институтининг Уставига қўшимча  
ва ўзгартиришлар тикилди ва мухранди.  
**5 марта** иборат.



Тошкент шаҳар Миробод туман  
хокимияти Тадбиркорлик  
объектларини рўйхатдан  
тасдиқиниш инспекциясида рўйхатга  
олинди

2014 йил “ ”



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлигининг 2014 йил  
“ 3 ” маҳрот даги 30  
сонли буйруги билан  
тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
(TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI)

У С Т А В И

Тошкент – 2014

# Тошкент давлат шарқшунослик институти Устави

## I. Үмумий қоидалар

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти (Toshkent davlat sharqshunoslik instituti) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 15 июлдаги “В.И.Ленин номидаги ТошДД хузуридаги Шарқшунослик институтини Тошкент давлат шарқшунослик институтига айлантириш ҳақида”ги 186-сонли Қарори асосида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Тошкент давлат шарқшунослик институти (кейинги ўринларда ТДШИ деб юритилади) давлат олий таълим муассаси ҳисобланниб, олий таълимнинг асосий ва қўшимча таълим Дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофик ўқув-педагогик, илмий-методик ва бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. ТошДШИ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Гаълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг норматив-хукукий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қиласади.

4. ТошДШИ юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос маҳсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофик жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳукуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

ТошДШИ жойлашган асосий манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Тошкент давлат шарқшунослик институти (Toshkent davlat sharqshunoslik instituti);

қисқартирилган номи - “ТошДШИ”, “ToshDShI”;

б) рус тилида:

тўлиқ номи - Ташкентский государственный институт востоковедения;

қисқартирилган номи – “ТашГИВ”;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи - " Tashkent State Institute of Oriental Studies";

қисқартирилган номи – “TSIOS”.

## **II. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг асосий вазифалари**

5. ТошДШИнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий-аҳлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини олий таълим ва олий таълимдан кейинги маълумот олиши орқали эришишни кондириш;

- ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, мустақил давлат фукароси, ўз ватани фидойиси, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз масъулиятини хис қиласиган, умуминсоний қадриятлар ҳамда миллий анъаналарини ҳурмат қиласиган, ватанимиз келажаги учун ҳалол меҳнат қиласиган ва вижданан пок руҳда тарбиялаш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчиларнинг илмий тадқиқот ва ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган натижалардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш;

- иктисадиётнинг мувофиқ соҳаларидағи олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятда аҳлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва бойитиш;

- аҳоли ўртасида билимларни тарқатиш, унинг маънавий-маърифий ва маданий даражасини янада ошириш.

- талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва университетнинг озиқ-овқатлар заҳирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соглом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланиш асосида ўқув ва илмий-тадқиқотларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

- талабалар ва ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ва институтнинг озиқ-овқат заҳирасидан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг соғлом овқатланишини ўрнатилган тартибда ташкил этиш.

## **III. Ўқув-тарбиявий ва илмий-методик ишларнинг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **a) Талабалар:**

6. ТошДШИ ректори буйруғи билан ўқишига қабул қилинган шахс ТошДШИнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси берилади.

ТошДШИга конунчиликда белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими маълумотига эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига қабул барча учун (грант ҳамда тўлов-контракт бўйича) тенг ҳукуқлилик, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга

оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳукуқи таъминланади. Колган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳукуқига эгадирлар. Конунчиликка мувофик тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўкишга қабул қилиш кафолатланади.

#### 7. ТошДШИ талабалари:

- фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

- ТошДШИ ахборот ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, соҳага оид янги ўзгаришлар ва сўнгти ютуқлар асосида чоп этилган миллий ва хорижий адабиётлардан, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриклар олиш;

- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

- таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда олий таълим муассасаси раҳбариятига, шунингдек факультет деканлари ва кафедра мудирларига билдириш ва уларни кўриб чиқилишини талаб қилиш;

- институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда фаол иштирок этиш;

- илмий тадқиқот ишларида ва илмий-амалий конференцияларда қатнашиш ва уларнинг натижаларини нашр этиш ва бу ҳақда ахборотлар бериш;

- институтда конуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш ҳукукларига эга.

Талаба сифатли ва юқори савияда билим олиши, танлаган ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган конун хужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳукуклардан фойдаланишга ҳақлидир.

Талаба ўз ҳукукларини сустеъмол қиласлиги, бу ҳукуклардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

8. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-контракт асосида ўқитишининг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талаба тегишли амалдаги қонунлари, ҳамда меъёрий-ҳукукий хужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Алишер Навоий номли давлат стипендиялари, шунингдек, ўкишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар тайинлаган стипендияларни олиш ҳукуқига эгадирлар.

9. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиши, шунингдек болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ кундузги ўкув шаклида таълим олаётган талабаларга ТошДШИда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чакириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

11. ТошДШИнинг Талабалар турар жойига муҳтоҷ талабалари институтнинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган турар жой билан таъминланиши мумкин. Турар жойга муҳтоҷ талабалар мавжуд бўлган ҳолда, институтнинг талабалар турар жойлари майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш (ижарага бериш, бошқа келишувлар) га рухсат этилмайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўкув шаклида таълим олаётган талабаларга ўқишдан бўш вактларида ТошДШИнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда ишлашга рухсат этилади.

12. ТошДШИдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра талабалар сафидан чиқарилиган талаба ўқишини кўчириши, белгиланган қоида ва тартиб асосида кайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

Талаба ўқишини ТошДШИдан бошқа олий таълим муассасасига кўчириш, кайта тиклаш ва талабалар сафидан чиқариш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

13. ТошДШИ талабалари олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўкув режасида назарда тутилган билимларни эгаллашлари, топширикларнинг барча турларини белгиланган муддатда бажаришлари ҳамда институт Уставига, Ички тартиб қоидалари, Одоб-аҳлоқ қоидалари ва Талабалар турар жойи қоидаларига катъий риоя этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати карорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

14. Ушбу Устав ва ТошДШИнинг Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган такдирда талабага нисбатан ҳайфсан ҳамда талабалар сафидан чиқариш каби чоралар кўрилади.

Талаба ТошДШИдан қўйидаги ҳолларда талабалар сафидан чиқарилади:

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) ўқишининг бошқа таълим муссасасига кўчирилиши муносабати билан;
- в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссияси маълумотномаси асосида);
- г) академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;
- д) ўкув интизомини ва ТошДШИнинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;

е) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ колдирганлиги сабабли;

ж) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вактида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

- з) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- и) вафот этганлиги сабабли.

ТошДШИ маъмурияти ташаббуси (г,д,е,ж) билан талабани талабалар сафидан чиқариш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Қоидаларнинг 14-банди “д” кичик бандига кўра

## **20. ТошДШИнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари:**

- белгиланган тартибда ТошДШИ ва факультет Илмий Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;
  - ТошДШИнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни мухокама қилишда иштирок этиш;
  - ТошДШИнинг ахборот-ресурс маркази, ўкув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошка бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
  - ўқитишнинг услуг ва воситаларини танлаш, ўкув ва илмий жараённинг юкори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
  - ТошДШИ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан конунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;
  - конунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;
  - ўзлари ишлаётган факультет, кафедрадан ташқари бошка факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлиқ асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
  - хорижий ҳамкасларнинг соҳага доир илмий ва ўкув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;
  - ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўкув қўлланмалар тайёрлаш;
  - назарий билимларини амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услугбини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;
  - талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
  - грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;
  - Узбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид конунчиликда белгиланган бошка ҳукуқларга эга.
21. ТошДШИнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:
- таълим тўғрисидаги конунчилик, меҳнат интизоми, муассаса Устави, Ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш; ўзининг хизмат вазифаларини вижданан бажариш ва ўқитувчилик шаънига доф туширмаслик;
  - иш жараёнида мулоқот қиласидаги муассаса ходимлари, талабалари ва бошка шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;
  - иш берувчининг конуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўкув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вактида ва сифатли бажариш, хусусан:
    - а) ўкув юкламалари ҳажмини, ўкув-услубий, илмий-тадқиқот, ўкув-ташқиличи ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;
    - б) дарслик, ўкув қўлланма тайёрлаш, ўкув абадиётлар, илмий мақолалар, монографиялар ёзиш;
    - в) тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда шу жумладан дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда бевосита иштирок этиш;
    - д) Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра томонидан амалга оширилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиш;

- е) ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларига риоя қилиш;
  - муассасанинг мол-мулкини авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;
  - иш берувчига бевосита етказилган хақиқий моддий зарарни қоплаш;
  - муассаса жамоатчилик ишларида қатнашиш;
  - педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш
  - таълим олувчиларни танлаган йўналиши (мутахассислиги) бўйича юксак касбий тайёргарликни, меҳнатга бўлган қобилиятни шакллантириш;
  - чет тили ва ахборот технологияларидан белгиланган талаблар асосида саводхонлигини ошириб бориш;
  - таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни янада ошириш;
  - “Устоз-шогирд” тизимида иштирок этиб, ўзига бириктирилган шогирдлар билан илмий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш;
  - ўзининг ҳулқи, одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўrnak бўлиш;
  - кийиниш маданиятига риоя этиш;
  - республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
  - муассаса, факультет, кафедра томонидан ташкил этиладиган маданий, маънавий, маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш;
  - ўзи ўқитадиган фан дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
  - ўқув машғулотларни замонавий ўқитиши услублар асосида белгиланган тартибда юкори савияда ўтиш;
  - фан йўналишига тегишли янги манбаларни топиш ва улар билан талабаларни таништириб бориш;
  - ҳар ўқув йили бошлангунга кадар ўқитиладиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва рейтинг баллари мезони ишлаб чиқиши ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;
  - профессор-ўқитувчи журналида рейтинг баллларини ўз вактида қўйиб бориш хамда уларни белгиланган тартибда тўғри юритиш бўйича шахсан жавобгар эканликларини эътиборда тутиш;-  
талabalар билимини холисона баҳолаш;
  - янги педагогик технологияларни дарс жараёнида қўллаш;
  - илмий салоҳият ва педагогик маҳоратини ошириш;
  - талabalар илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
  - олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол қатнашиш.

22. Муассаса профессор-ўқитувчи ходимларининг чет эл хизмат сафарлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2005йил 13 апрелдаги 81-сонли буйруги билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўрикнома асосида амалга оширилади.

23. ТошДШИ олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркибининг уч йилда камида бир маротаба малакасини ошириш кафолатини таъминлайди.

24. ТошДШИнинг маъмурий-хўжалик, мухандислик-техника, ўкув-ёрдамчи ва бошка хизмат ходимларининг ҳуқук ва мажбуриятлари ТошДШИнинг Ички тартиб-коидалари ва лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

#### **IV. Ўкув-тарбиявий ва илмий-методик ишлар**

25. ТошДШИ қўйидаги таълим йўналиши ва мутахассисликлари бўйича олий таълим ва олий ўкув юртидан кейинги таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

*1) Олий таълим (бакалавриат ва магистратура)<sup>1</sup>:*

а) бакалавриат:

1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (шарқ тиллари бўйича);
2. 5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича)
3. 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);
4. 5120500 – Фалсафа;
5. 5120700 – Жаҳон сиёсати;

6. 5231000 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича);

б) магистратура:

1. 5A120101 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари ва тадқикот йўналишлари бўйича);
  2. 5A120102 – Лингвистика (шарқ тиллари бўйича);
  3. 5A120103 – Мумтоз филология (турлари бўйича);
  4. 5A120104 – Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва матншунослиги;
  5. 5A120201 – Таржима назарияси ва амалиёти (шарқ тиллари бўйича);
  6. 5A120302 – Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича);
  7. 5A120304 – Тарихшунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари (мамлакатлар бўйича);
  8. 5A120501 – Фалсафа тарихи (йўналишлар бўйича);
  9. 5A120701 – Халқаро муносабатлар;
10. 5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (мамлакатлар ва минтақалар бўйича).

Институтга янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабалар қабул қилинган ёки мавжудларига қабул тўхтатилган тақдирда, ушбу таркибга тегишли ўзгаришлар киритилади.

26. ТошДШИ таълим икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

**Бакалавриат** – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиши муддати 4 йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимдир.

<sup>1</sup> Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таркибига ўзгаришлар киритилган тақдирда, ўзгаришлар рўйхати илова этилади.

Бакалавр дастурини тугатган бити्रувчиларга давлат аттестацияси якунлариға кўра таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

**Магистратура** – бакалавриат йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати 2 йилдан кам бўлмаган олий таълимдир.

Магистр дастурини тугатган битириувчиларга давлат аттестацияси якунлариға кўра тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофик таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқиши давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

27. ТошДШИда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўкув режалари ва фанларнинг дастурлари, ТошДШИ ректори (ўкув ишлари бўйича проректор) томонидан тасдиқланган йиллик календарь ўкув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

Таълим жараёнини мақсадли йўналтириш йўли билан ташкил этиш, яъни таълим шакллари, услуга ва воситаларини танлаш йўли билан ТошДШИ талабалариға олий таълимнинг асосий касбий таълим дастурларини ўзлаштириш учун зарурый шароитларини яратиб берилиши лозим.

Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. ТошДШИнинг ижтимоий-иктисодий ва гуманитар фанлари кафедралари, маънавий-маърифий ва спортга оид тадбирлариға, талабалар ва бошка жамоатчилик ташкилотлариға, раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофикаштириб бориш маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

28. ТошДШИда ўкув машғулотларининг қўйидаги асосий турлари: маъруза, консультация, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битириув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси белгиланган.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 40 дақиқалик танаффуссиз кўшма маъруза академик соат белгиланган. Ўкув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқа бўлади.

Таълим ва тарбиявий ишлар ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларида олиб борилади.

29. ТошДШИда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Олий таълимнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Узстандарт” агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилган давлат таълим стандарти кўлланилади.

30. ТошДШИ да ўкув йили икки семестрга бўлинади ва унинг хар бирида талабаларнинг ўзлаштириши рейтинг баҳолаш асосида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади. Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Олий таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасалари талабалари билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низомга асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

31. ТошДШИда илфор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модул тизими ҳамда масофавий таълим беришни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади.

**2) Олий ўкув юртидан кейинги таълим:**

а) катта илмий ходим-изланувчилар институти:

07.00.03 - Жаҳон тарихи;

07.00.08 - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари;

07.00.09 - Халкаро муносабатлар ва ташки сиёsat тарихи;

07.00.10 - Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи;

08.00.09 - Жаҳон иктисодиёти;

10.00.06 - Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти;

10.00.11 - Матншунослик ва адабий манбашунослик.

Институтга янги мутахассислари бўйича катта илмий ходим-изланувчилар кабул қилинган ёки мавжудларига қабул тўхтатилган тақдирда, ушбу таркибга тегишли ўзгаришлар киритилади.

32. ТошДШИ да олий ўкув юртидан кейинги таълим доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхати”га мувофиқ тегишли вазирлик (идора) руҳсати асосида катта илмий ходим-изланувчилар институти орқали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, шунингдек фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун ТошДШИга изланувчиларни бириктириш ишлари амалга оширилади.

Олий ўкув юртидан кейинги таълимга оид муносабатлар ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган катта илмий ходим-изланувчилар институти фаолиятини тартибга соладиган тегишли низом асосида амалга оширилади.

ТошДШИ да 10.00.05 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти; 10.00.06 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти; 10.00.07 – Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик. Лингвистик таржимашунослик; 10.00.10 – Журналистика ихтисосликлар бўйича фан доктори илмий даражасини олиш диссертациялар ҳимоя қилишга мўлжалланган Илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

33. ТошДШИ профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 февраль 25-сонли Қарорига мувофиқ кадрларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетларида ўз малакаларини оширадилар.

34. ТошДШИ Кенгашининг тематик режалари бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда талабалар, катта илмий ходим-изланувчиларни кенг жалб этиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боради.

Илмий тадқиқотлар қуидаги маблаглар ҳисобидан молиялаштирилади:

- фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблаглари;

- шартнома асосида соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблаглари.

## V. Тошкент давлат шарқшунослик институтининг таркиби<sup>2</sup>

35. ТошДШИнинг таркибига қуидагилар киради:

**a) факультетлар:**

1. Шарқ филологияси ва фалсафа;
2. Узок Шарқ ва Жанубий Осиё тиллари;
3. Жаҳон сиёсати ва тарих;
4. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик.

**b) кафедралар:**

1. Араб филологияси;
2. Эрон-афғон филологияси;
3. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти;
4. Туркий тиллар;
5. Мумтоз филология;
6. Фалсафа;
7. Таржима назарияси ва амалиёти;
8. Жанубий Осиё тиллари;
9. Хитой филологияси;
10. Япон филологияси;
11. Корейс филологияси;
12. Инглиз тили;
13. Педагогика ва жисмоний тарбия;
14. Жаҳон сиёсати;
15. Хорижий мамлакатлар тарихи;
16. Марказий Осиё халқлари тарихи;
17. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти;
18. Ғарбий Европа тиллари;
19. Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;

Институт факультетлари, кафедралари, бўлим ва бўлинмалари таркибига ўзгартиришлар киритилган тақдирда, ўзгаришлар рўйхати илова этилади.

20. Узоқ Шарк миңтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;
21. МДХ миңтакаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;
22. Хитой ва Жанубий Шарқий Осиё миңтақаси иқтисоди ва мамлакатшунослиги;
23. Математика ва информатика.

***в) бўлимлар:***

1. Ўкув-услубий бўлим;
2. Маънавият ва маърифат бўлими;
3. Халқаро алоқалар бўлими;
4. Кадрлар бўлими;
5. Девонхона ва архив бўлими;
6. Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими;
7. Ҳисобхона;
8. Молия-режа бўлими;
9. Кутубхона;
10. Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
11. 2-бўлим;
12. Ички назорат ва мониторинг бўлими;
13. Маркетинг хизмати бўлими;
14. Ахборот-ресурс маркази;
15. Ахборот технологиялар маркази;
16. Магистратура бўлими;
17. Нашриёт-таҳририят бўлими;
18. Умумий овқатланиш хизмати.

ТошДШИ қошида Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи ҳамда Олмазор академик лицейи фаолият юритади.

## **VI. Тошкент давлат шарқшунослик институтини бошқариш**

36. ТошДШИни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ якка раҳбарлик ва ТошДШИ Кенгаши, Васийлар кенгashi орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамоилии асосида амалга оширилади.

37. ТошДШИни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 1992 йил 9 март Ф-137-сонли Фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор ТошДШИ фаолиятига, шунингдек, ТошДШИнинг Ички тартиб коидалари, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўла масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ ТошДШИ номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг зекили сифатида катнашади, ТошДШИнинг мол-мулкига масъуллик қиласи, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида ТошДШИнинг ҳисоб ракамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича фармойишлар беради ва буйруқлар чиқаради.

Ректор ТошДШИнинг ваколати доирасида:

- ТошДШИнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- бўйсунувчи вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод килади;

- ТошДШИ проректорлари (йўналишлар бўйича) ваколатларини белгилайди ва улар ўртасида вазифаларни таксимлайди. Институтда бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, тузилмаларнинг фаолияти учун жавобгарлигини белгилайди;

- Давлат таълим стандартлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этади ҳамда институтда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Конуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлайди;

- профессор-ўқитувчилар, илмий-педагогик ходимлар ва бошқа ходимлар билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузади ва бекор қилади;

- Институт таркибий бўлимлари ва марказлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

- Институтнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

- Институт ваколатига кирадиган масалалар бўйича турли шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 25 декабрда 296-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ институт бюджети маблағлари хисобидан ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва қўшимчаларни белгилайди, хорижий тил билгани ва уни амалда қўллаганлиги учун профессор-ўқитувчиларнинг асосий маошига белгиланган тартибда қўшимча ҳак тўлади;

- Институт ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тартиш масалаларини ҳал этади, институт тизимининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга таклиф киритади;

- Таълим жараёнини бошқариш бўйича конун ҳужжатларига мувофиқ ва ваколатли органлар томонидан белгиланган бошқа вазифалар ижросини таъминлайди.

Ректорга ўзи ишлаётган олий таълим муассасаси ва ундан ташқарида ҳак тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга руҳсат этилмайди.

38. “Олий таълим тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ТошДШИ да олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, проректорлар (лавозимига кўра), факультетлар деканлари ҳамда мутахассислар тайёрловчи кафедралар мудирлари, шунингдек, талабалар ва ТошДШИ

ходимлари касаба уюшмаси кенгаши вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа ёззолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Профессор-ўқитувчилар таркибидан. Кенгашга сайланадиганлар сони ректор буйруғи билан белгиланади.

Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиши тартиби таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

#### **Илмий Кенгаш қўйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:**

- Институт фаолиятини такомиллашибирининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, институт тузилмалари фаолиятида қонун хужжатларига риоя ишлениши устидан самарали назорат ва мониторингни амалга ошириш, уларни амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек малакали тилшунос кадрларни, илмий, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, уларни малакасини ошириш бўйича ушбу Уставда белгиланган асосий вазифаларни амалга оширади;

- Юқори турувчи идоралар карорлари ҳамда топширикларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вактида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш учун институт раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш;

- Кенгаш институт ваколатига таалуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши ҳукуқига эга.

- Кенгаш унинг мажлисида таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича карорлар оидий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

- Кенгаш карорлари институт ректори буйруқлари билан амалга оширилади.

Институт фанлар ихтисосликлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар фаолиятини ташкил этади.

ТДШИ қошида Конфуций номли ўзбек-хитой институти ва Тил ўқитиши минтақа Маркази хўжалик ҳисобидан, ўз Устави ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатлар асосида ташкилотият юритади.

### **VI. Институтнинг жамоат ташкилотлари**

39. Институтда Васийлар кенгаши ТошДШИни бошқарувчи жамоатчилик органи сифатида ташкил этилади ва унинг таркибига муассис-вазирликлар, мажаллий ҳокимият, ишбилармон доиралар, жамоатчилик ташкилотлари, ҳамғарма ва васийлар, бошқа таълим муассасаларининг вакиллари киради.

Васийлар кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантириш таркиби ва фаолияти “Васийлар кенгаши тўғрисида” ги Низом билан тартибга солинади.

40. ТошДШИда касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни таълим ва фан касаба уюшмалари ҳамда уларнинг ТошДШИда сайланган органлари амалга оширади.

Институтда илмий ва ихтиёрий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник тўгараклар, ёш иктидорли олимлар клублари ва бошқа жамоат ташкилотлари ташкил этилиши мумкин.

Жамоат ташкилотлари ўз фаолияти юзасидан рўйхатдан ўтган органга ва институт Кенгашига ҳисобот беради.

## VII. Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник база

42. Институтга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш максадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат (таъсисчи) томонидан бинолар, иншоотлар, мулкий мажмуалар, институтнинг паспортига мувофик ёзбоб-ускуналар, шунингдек истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар биритирилган.

Институтга ажратилган ер участкалари муддатсиз текин фойдаланиш учун биритирилган.

43. Институт жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкий объектларга, ТошДШИ фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинадиган мулкий объектларга эгалик қилиш ҳуқуқи берилилган.

44. Институт мол-мулкни ижарага оловчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом мувофик ўзига биритирилган бинолар, иншоотлар ва уларнинг кисмлари, ёзбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни Кенгашининг розилиги билан тасарруф этиш ҳукукисиз, қонун хўжатларига зид бўлмаган тартибда, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

Ижара ҳаки сифатида олинган маблағлар таълим жараёни сифатини янада ошириш ва уни ривожлантириш учун фойдаланилади.

45. Институт таълим фаолиятини молиявий таъминлаш ишларини давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган меъёрлардан келиб чиқкан ҳолда қайта тайёрлаш ёзбоб-ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек бюджетдан ташқари маблаглар, жумладан талабалар ва ингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблаглар ҳисобига амалга оширилади.

46. Институт асосий фаолиятига заар етмайдиган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириши мумкин ҳамда институт шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган мавзифаларга мос келиши лозим.

Институт ўз мулки билан хўжалик жамиятлари ва ширкатларнинг устав замғармасида катнашиш, пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солик ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Институтнинг пуллик таълим хизматлари кўрсатишини бюджетдан ажратиладиган маблағлар хисобидаги таълим фаолияти доирасида ва унинг ўрнига амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўрнатилган тартибда институт қошида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш курслари ташкил этилади.

Институт Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қиласди.

47. Институт тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки ёнгиларини куриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

### VIII. Халқаро ҳамкорлик

48. Институт таълим соҳасига оид масалалар юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этади, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан кўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳукуқига эта.

49. Чет эл фукароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик шарслари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошкариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек институтнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фукаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

### IX. Якуний қоидалар

50. Институтни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чикириш, ҳамда қайта ташкил қилиш ёки тугатиш қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилиши мумкин.

51. Институт Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган ҳолда киритилади.

РЕКТОР



А.М.МАННОНОВ

